**Аёл борки — олам мунаввар,**
**Аёл борки — гўзалдир ҳаёт!**


# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.co.uz xabar@uzpak.uz orif@tinonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan | 2005-yil, 4-mart, 9 (650)-son | Sotuvda narxi erkin


## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

◆ ***Матбуотда "2005 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2005 йил 7 март душанбага кўчириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.***

◆ *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари ҳамда туман ҳокимларининг семинар-тренинг машғулотлари якунланди.*

◆ ***Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида "Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун рақобат муҳитини яратиш — бош мақсадимиз" мавзусида матбуот анжумани бўлди.***

***Анжуманда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси назорат қилувчи эмас, балки мамлакат иқтисодиётида соғлом рақобат муҳитини шакллантирувчи ва уни қўллаб-қувватловчи бош орган, шунингдек, кичик бизнеснинг ривожланишига кўмаклашувчи давлат идораси эканлигини кенг аҳолига тушунтириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.***

◆ *Республика Журналистлари ижодий уюшмаси қошида тузилган иқтисодий мавзуда ёзадиган журналистлар ижодий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ва республика оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт мавзуини ёритишга ихтисослашган қаламкашлар қатнашди.*

◆ ***Жиззахда фолклор жамоалари ва халқ ҳунармандларининг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоят туманларидан келган оқинлар, бахши-шоирлар ўз қўшиқлари, айтишувлари билан ўзаро беллашдилар.***



## *Азиз ва муҳтарам опа-сингиллар!*

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъати ва шахсан ўз номимдан Сиз азизларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин юракдан самимий муборакбод этаман. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилангизга тинчлик-тотувлик тилайман, алоқа соҳасидаги шарафли меҳнатингизда улкан ютуқлар ҳамроҳ бўлсин.*

*А. АРИПОВ,*
*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори*

# Ота касбини улуғлаётган аёл

***Ўзбек аёли... У ҳақда сўз кетганда, дастлаб кўз ўнгимизда бола тарбияси, уй-рўзғор юмушлари билан машғул аёллар гавдаланади. Бугунги кунда улар ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида фаол қатнашиб, зиммаларидаги вазифаларни баҳоли қудрат бажаришмоқда.***



**Зулайҳо Қаюмова** ота касбини давом эттираётганлардан бири. У Қарши шаҳридаги 17-алоқа бўлими оператори шогирдлигидан иш бошлаган эди. Устозлари — отаси Исанжон Қаюмов, шунингдек, Амина Раҳматова, Мария Нечаевалардан касб сирларини ўрганди. Шогирд эди, устоз бўлди. Эндиликда Г.Набиева, З.Панаева, М.Хусанова, М.Қаюмовалар Зулайҳо опани устоз дея эъзозлашади.

Опа ҳамкасбларига меҳрибонлиги, зукколиги, тиришқоқлиги билан шаҳар алоқачилари орасида ҳурмат-эътибор топган. У ҳукуматимизнинг "Шуҳрат" медали ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Фахрий ёрлиғи" билан мукофотланган.

— Хонадонларга хушхабар етказганимда ўзим ҳам қувониб кетаман, — дейди Қарши шаҳридаги 17-алоқа бўлими почтачиси Зулайҳо Қаюмова. — Ана шу дамларда бутун чарчоқларим ёзилиб кетади.

Ўзбек аёли... Шаънига бир оғиз ширин сўз айтилса, озгина эътибор берилса, ўзини бахтли санайди.

Биз ҳам уч фарзанднинг онаси, бир набиранинг севимли бувижониси Зулайҳо опага "Байрамингиз муборак бўлсин!" деймиз.

***Раъно ҚИЛИЧЕВА,***
***"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиалининг кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи***

# "ТШТТ" – НАМУНАЛИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ

***Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлигида туманда фаолият юритаётган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказилди.***

**Йиғилишда** иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш, тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли кафолатини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ органлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳамда интизомли солиқ тўловчи сифатида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини тақдирлаш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Б.Парпиев бир қатор намунали солиқ тўловчиларга "Фахрий ёрлиқ" ва эсдалик совғаларини топширди. Улар ичида, хусусан, солиқ қонунчилиги билан белгиланган мажбуриятларни тўла-тўкис бажараётган намунали солиқ тўловчи сифатида **"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали** ҳам Давлат солиқ қўмитасининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланди.

***Ўз мухбиримиз***


uzpak
Бизнинг Интернет ҳамкоримиз

KASBDOSHLARIMIZ

*Суҳбатдошимиз — “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалининг истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб хизмати бошлиғи Моҳира АБДУЛЛАЕВА салкам қирқ йилдан буён алоқа соҳасида меҳнат қилиб келмоқда. У самарали хизматлари учун 2004 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Моҳир алоқачи” фахрий унвони билан тақдирланган.*



*Аёлга муҳаббат биз учун буюк, ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган аҳамият касб этади.*

*В.ГЮГО*

# Моҳир алоқачи Моҳира опа

**— Моҳира опа, алоқачиликни танлашингизга нима турткі бўлган?**

— Раҳматли отам Хилмитдин Нурмуҳаммедов бир умр шу соҳада меҳнат қилган. Шунинг учунми бу соҳа менга танишроқ, қизиқарлироқ эди. Табиийки, мактабни битиргач, ҳеч иккиланиб ўтирмасдан ота касбни танлашга аҳд қилдим. 1964 йили Тошкент алоқа политехникумига ўқишга кирдим. Қизиқишим кучлилигидан бўлса керак, тезроқ ишлагим келарди. Ниҳоят, ўқишни тамомлаб, Тошкент шаҳар телеграф-телефон станциясининг линия қурилмалари цехида электромеханик сифатида иш бошладим.

Техника билан ишлаш мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Унинг ўзига яраша мураккабликлари, нозик жиҳатлари борлигига амин бўлдим. Битта носозлик ҳам жиддий оқибатларга олиб келишини тушунганим сари касбимга бўлган эътиборим янада ортиб борди.

Устозлар маслаҳатига қулоқ тутиб, шукрки, кам бўлмадим. Раҳбарлар аввалига муҳандис, сўнгра бўлим бошлиғи вазифаларини менга ишониб топширишди. Кейинчалик олий маълумот олиш ҳақида ҳам ўйлай бошладим...

**— Узр, гапингизни бўламан. Ўша вақтда сиз турмушга чиққан, бир хонадоннинг келини, икки фарзанднинг онаси эдингиз. Иш ва оила ташвишлари, бунинг устига яна ўқишга қарор қилганингиз — булар сизга оғирлик қилмадими?**

— Тўғри, оила, иш, ўқиш — барчасини бирга олиб бориш менга оғирлик қилиши мумкин эди. Аммо тақдиримдан мамнунман. Қайнонам, қайниларим, овсинларим, турмуш ўртоғим ишлашимга, ўқишимга етарли шароит яратиб беришди. Шундай қилиб, 1979 йили Тошкент электротехника алоқа институтига сиртдан ўқишга кирдим. 1986 йили, ўқишни тугатиш арафасида эса қизлик бўлдим. Яна оиламдагилар энг яқин кўмакчим бўлишди. Уларнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли ўқишни тамомлаб, севимли касбимда фаолиятимни давом эттирдим.

**— “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалида қачондан бери ишлаяпсиз?**

— Филиалга 1993 йили ишга келдим. Дастлаб мижозлар бўлимини бошқардим, бир муддат корхона бошлиғининг ўринбосари вазифасида хизмат қилдим. Бир неча йилдан буён эса истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб хизмати бошлиғи бўлиб ишлаяпман. Жамоамизда 70 нафар ходим меҳнат қилади. Биз, асосан, турли корхона ва ташкилотлар, муассасаларнинг шаҳарлараро ҳамда халқаро сўзлашувлари бўйича ҳисоб-китоб ишларини бажарамиз. Бунинг ҳам ўзига яраша мураккаб томонлари кўп. Мижозларга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Меҳнатимиз одамларнинг узоғини яқин қилишдек савобли юмуш бўлганлигидан доимо қалбим фахру ифтихорга тўлиб юради.

**— Моҳира опа, сиз ота касбини давом эттиряпсиз. Сизнинг ҳам издошларингиз борми?**

— “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган мақол бежиз айтилмаган экан. Катта ўғлим — Даврон Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олди. Кичик ўғлим — Алишер ва қизим — Назокат ҳам мазкур университетда ўқишмоқда. Улар бизнинг ишимизни муносиб равишда давом эттиришларига ишонаман.

**— Мана, яқинда 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамини нишонлаймиз. Аввало, сизни ушбу байрам билан табриклайман. Юртимиз хотин-қизларига қандай тилакларингиз бор?**

— Раҳмат. Барча мукаррама ва азиз оналаримизни, опа-сингилларимизни мен ҳам 8 март байрами билан чин дилдан табриклайман. Аёлларимизга доимо оилаларининг суюкли бекалари бўлиб юришларини, қизларимизга эса ҳаёт деб аталмиш умр карвонида ўз бахтларини топишларини тилайман.

*Матлуба НАСРИДДИНОВА суҳбатлашди*

# Жўшиб ишлагим келади

*“Қашқадарё Телеком” филиали етакчи мутахассиси Шоира Иброҳимова бу йил 66-баҳорни қарши олди. Очиғини айтиш керак, опанинг ҳалиям ғайрат билан меҳнат қилаётгани кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Шоира опа ўнлаб меҳнатсевар шогирдлар ҳам етиштирган.*

*У бизга ўз ҳаёти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:*



**— Мен асли** Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилганман. Ўрта мактабдан сўнг Фарғона кооператив техникумининг бухгалтер-кооперация мутахассислигини имтиёзли диплом билан тугатдим. Кейин турмушга чиқдим. 1969—1972 йиллари Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги қишлоқ хўжалик бошқармаси қошида очилган хўжаликлараро марказлашган мактабгача ёшдаги болалар муассасасида ҳисобчи бўлиб ишладим. 1973 йили ҳаётимда бурилиш юз берди. Ўша йили Қарши чўлини ўзлаштиришга ёппасига киришилган кезлар эди. Турмуш ўртоғим ҳам бу ишларга жалб қилинди. Бир неча ойдан кейин оиламиз билан Қарши шаҳрига кўчиб келдик. Ўшандан бери шу ерда яшаб қолдик. Дастлаб шаҳар алоқа боғламасида ҳисобчи бўлиб иш бошладим. Одамлари яхши экан, тезда кўникиб кетдим. 1978 йили шу корхонага бош ҳисобчи вазифасига тайинлашди. 1999 йилга қадар ушбу вазифада ишладим.

Мана, етти йилдирки, филиалда етакчи мутахассис сифатида меҳнат қиляпман. Уч фарзандим, саккиз нафар набирам бор.

Юртимизда компютерлаштириш ишлари жадал давом этаётир. Ҳисоб-китоб ишлари замонавий ускуналар орқали амалга оширилмоқда. Бундай шароитда янаям жўшиб ишлагим келади. Жонажон жамоамни тарк этгим йўқ. Улар билан меҳнат қилсам, кучимга куч қўшилади. Меҳр-оқибатли кишилар билан бирга ишлаётганимдан бахтиёрман!

*Баҳром МУРОДОВ, жамоатчи мухбиримиз*

*Суратда: Етакчи мутахассис Шоира ИБРОҲИМОВА шогирди — ҳисобчи Ҳилола РАҲИМОВА билан.*

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ «ALSKOM» ҚЎШМА СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

**Ўз акциядорларига 2004 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2005 йил, 6 апрел куни, соат 15-00да Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносида (Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 28-а уй) ўтказилишини маълум қилади.**

Акциядорлар реестри 2005 йил, 11 феврал куни билан ёпилган.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Компаниянинг 2004 йилдаги фаолияти натижалари тўғрисида Бош директор ҳисоботи ва Компаниянинг 2005 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари;
2. Компаниянинг 2004 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудит ҳисоботини тасдиқлаш;
3. 2004 йил якунлари бўйича дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш;
4. Кузатув кенгаши раисининг 2004 йилда Кузатув кенгашининг бажарган иши тўғрисидаги ҳисоботи;
5. Компания Кузатув кенгаши шахсий таркибини қайта сайлаш;
6. Компаниянинг 2005 йилги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун аудиторни тасдиқлаш;
7. Компаниянинг «Қимматли қоғозлар тўғрисида»ги Низомини тасдиқлаш.

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**Очиқ акциядорлик жамияти «ALSKOM» қўшма суғурта компаниясининг 2005 йил 1 январ ҳолатига БАЛАНСИ**

| АКТИВ | | ПАССИВ | |
|---|---|---|---|
| КЎРСАТКИЧЛАР | СУММА (минг сўмда) | КЎРСАТКИЧЛАР | СУММА (минг сўмда) |
| 1.Асосий воситалар (қолдиқ қиймати) | 34 848,5 | 1.Устав фонди | 315 000,0 |
| 2.Номоддий активлар (қолдиқ қиймати) | 336,0 | 2.Қўшилган капитал | 10 523,0 |
| Узоқ муддатли инвестициялар | 129 538,0 | 3.Резерв капитали | 10 885,0 |
| 3.Ишлаб чиқариш захиралари | 3 395,5 | 4.Тақсимланмаган фойда | 85 557,0 |
| 4.Келгуси давр харажатлари | 41 347,0 | 5.Мақсадли тушумлар | 38 538,0 |
| 5.Ҳисоб рақамидаги пул маблағлари | 62 771,0 | 6.Келгуси давр харажат - лари ва тўловлар учун захиралар | 34 080,0 |
| 6.Валюта маблағлари | 5 024,0 | 7.Узоқ муддатли мажбуриятлар | 167 424,0 |
| 7.Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари | 177,0 | 8.Бюджет билан ҳисоблашув | 8 900,0 |
| 8.Қисқа муддатли инвестициялар | 393 933,0 | 9.Суғурта бўйича ҳисоблашув | 1 734,0 |
| 9.Дебиторлар | 3 041,0 | 10.Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашув | 1 040,0 |
| | | 11.Бошқа кредиторлар | 730,0 |
| | | | |
| **БАЛАНС БЎЙИЧА ЖАМИ АКТИВ** | 674 411,0 | **БАЛАНС БЎЙИЧА ЖАМИ ПАССИВ** | 674 411,0 |

Баланс кўрсаткичлари ҳақиқийлиги «CHANTIK» аудиторлик фирмасининг аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган.

## "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ"
### АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизнинг
барча аёлларини
8 Март — Халқаро хотин-қизлар
байрами билан
Муборакбод этади.

Азиз ва мўътабар онахонлар, қадрли опа-сингиллар! Барчангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилаймиз.

**Нафосат ва гўзаллик Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!**

## "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**Халқаро хотин-қизлар куни билан**

**юртимиздаги барча опа-сингилларимизни, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизларни қизғин қутлайди.**

**Садоқат ва вафода тенги йўқ аёллар! Баҳорнинг илк айёми Сизга бахт ва саодат келтирсин.**

*Байрамона кайфият доимий ҳамроҳингиз бўлсин!*

## ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

**Юртимиз аёлларини**
**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни**
**билан қизғин табриклайди.**

*Азизлар! Сизларни баҳор даракчиси бўлмиш гўзал байрамингиз билан самимий қутлаймиз. Сиз борки - олам мунаввар, Сиз борки - ҳаёт гўзал ва мафтункор.*

**Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг!**

"Ўзбектелеком" АК
## "ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва баҳор байрами - 8 март билан қутлайди.**

**Кўнгилларимиз фариштаси, хонадонларимиз сариштаси меҳридарё аёллар! Байрамингиз муборак бўлсин.**

**Ҳамиша бахтиёр, гўзал ва севимли бўлиб юринг!**

## ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ



Меҳр-шафқат ва садоқат тимсоли бўлмиш аёлларимизни 8 март байрами билан табриклайди.

Меҳрибон ҳамда азиз опа-сингиллар! Ҳамиша толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқ-насибангиз зиёда бўлсин!

## "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Алоқа соҳасида меҳнат қилаётган барча аёлларни ҳамда мамлакатимиз хотин-қизларини кириб келаётган 8 март билан муборакбод этади.**

*Қалбимиз тўрида асраб келаётган энг эзгу тилакларимизни Сизларга изҳор этгаймиз!*



**Хонадонингиздан ҳеч қачон тинчлик-тотувлик, қут-барака аримасин!**

## "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ "ЎЗБЕКИСТОН МАРКАСИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимиз хотин-қизларини, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган барча алоқачи аёлларни*

**8 март - Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлайди.**

*Кўклам нафаси тобора яқинлашиб келаётган ушбу кунларда сизга қалбимиздаги энг самимий тилакларимизни йўллаётганимиздан бахтиёрмиз.*



*Сизга бахт, мустаҳкам соғлиқ, хонадонгизга фаровонлик тилаймиз. Баҳорий кайфият сизни ҳеч қачон тарк этмасин!*

## "ЎЗИ-САМАРҚАНД" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Юртимиз хотин-қизларини баҳорнинг илк айёми –*

*8 март билан*

*табриклайди.*

*Умримиз мазмуни, ҳаётимиз шамчироғи бўлган азиз аёллар!*

*Истаймизки, хонадонингиз янада фаровон, дастурхонингиз тўкин бўлсин.*



**Сизга мустаҳкам соғлиқ тилаймиз, барча ниятларингиз амалга ошишини истаб қоламиз.**

## "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Юртимизнинг барча хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат айёми -*

*8 март билан*

*муборакбод этади.*

**Азиз онахонлар, муҳтарама опа-сингиллар! Сиз билан дунё гўзал. Тилагимиз - иқболингиз бундан-да порлоқ бўлсин. Сизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга осойишталик тилаймиз.**



**Байрамингиз муборак бўлсин!**

## "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК "ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон аёлларини гўзаллик ва баҳор байрами -*

***Халқаро хотин-қизлар куни билан***

*самимий табриклайди.*

**Кўкламнинг илк айёми Сизга баҳорий кайфият ҳадя этсин.**



***Шодлик ва бахт-саодат доимий ҳамроҳингиз бўлсин!***

## "ЎЗИ-ЖИЗЗАХ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Мунис онахонларимизни, лобар опа-сингилларимизни нафосат байрами -**

**8 март - Халқаро хотин-қизлар куни**

**билан самимий муборакбод этади.**

**Муҳтарама аёллар! Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва куч-қувват тилаймиз.**



**Чеҳрангиздан кулгу, лабингиздан табассум аримасин!**

## "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Ўзбекистон аёлларини гўзаллик ва баҳор байрами**

**Халқаро хотин-қизлар куни**

**билан самимий қутлайди.**

*Қимматли ва меҳрибон аёллар!*
*Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файз-барака тилаб қоламиз.*



***Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси сизга қувонч ва омад келтирсин!***

SIZ KUTGAN UCHRASHUV

***Миллий театр санъатимизнинг намояндаларидан бири, Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актрисаси, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси Дилбар Қосимова саҳнада таваллуд топган. Ҳа, ҳа, айнан Наманган шаҳридаги театр саҳнасида. Чунки Дилбар опанинг онаси — Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Азизова дублёр йўқлиги сабабли Комил Яшиннинг “Тор-мор” пиесасида рол ижро этаётиб, кўзи ёриди. Парда олдига чиққан Комил Яшин томошабинларга ҳозиргина чақалоқ дунёга келганлигини, унинг исми Дилбар бўлишини эълон қилди.***

***Саҳнада қулоғига азон айтилган қизчанинг тақдири ҳам бевосита театр билан чамбарчас боғланиб қолди.***

***Дилбар Қосимова ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида икки юздан ортиқ хилма-хил образлар яратди. Актриса ижросидаги Лолахон (“Совғалар”), Кимё хола (“Баланд дорга осилма”), Елена (“Ваня тоға”), Майсара (“Майсаранинг иши”) сингари образлар мухлисларимизга яхши таниш.***

# Бахти бекам аёл

***— Дилбар ая, ўтган йили етмиш ёшни қарши олдингиз. Эзгу ишнинг кечи йўқ, дейдилар, сизни чин кўнгилдан қутлайман.***

— Раҳмат, болам. Ўтган йили менинг ёдимда қоладиган унутилмас лаҳзалар кўп бўлди. Чунки туғилган кунимни аввал Наманган шаҳридаги Навоий номидаги театр жамоаси тўй қилиб ўтказиб беришди. Юбилей жудаям яхши ўтди. У ерда бир ой хизмат сафарида бўлдик. Сўнгра ўзим ишлаб турган театрда, раҳбаримиз бошчилигида юбилейим нишонланди. Бунинг учун театримиз жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.



***— Қаерда таҳсил олгансиз?***

— Онам актриса бўлганлиги сабабли санъат институтига боришимга қаршилик қилмади. Институтга киргач, ўқиш билан бирга Ҳамза театрида ишлаганман. Иккаласига ҳам улгурганман. Наманганда ҳам 5-6 йил ишлаб келдим. У ерда ҳозир шогирдларим хизмат қилишяпти.

***— Илк маротаба ўйнаган ролингизни эслайсизми?***

— Бўлмасам-чи, қизим. Биринчи ўйнаган ролларим — Одил Ёқубовнинг “Чин муҳаббат” асаридаги Зулфия, “Юрак ёнмоғи керак” спектаклидаги Қундузойни ҳанузгача ўзгача бир соғинч билан эслайман.

***— Устоздан ўтмаган шогирд — шогирд эмас, дейдилар. Шундай эмасми?***

— Мени театримизда онахон, етакчи актриса деб билишади. Саида Раметова, Шоҳида Узоқова ва Тамара Ҳазратқуловалар энг яқин шогирдларимдан. Айниқса, Саидадан жудаям мамнунман. Чунки у мендан ҳам ўзиб кетди. Илоё, омадини берсин. Саидани бир кўрганимдаёқ, ундаги истеъдодни, жўшқинликни англагандек бўлгандим. Қўлимдан келганича унга саҳна сирларини ўргатдим.

***— Театр ҳам иккинчи уй бўлиши мумкинми?***

— Албатта. Инсон ўз касбини чин дилдан севса, ишхона унинг иккинчи уйига айланади. Аммо бу оилани ташлаб қўйиш дегани эмас. Аёл ҳар икки томонни ҳам маҳкам ушлаши лозим. Кимки меҳнатсевар, сабр-тоқатли, тартиб-интизомли бўлса, ҳаммасига улгуради. Мен мана шу саҳнада хасталигимни ҳам, муаммоларимни ҳам унутаман. Бир умр саҳнага боғланганман. Ёшларга онаман, катталарга қадрдон. Театрдан кетиш хаёлимга ҳам келмайди. Санъат туфайли бутун дунёни кездим. Шу ерда бахтимни топдим.

***— Оилада қандай аёлсиз?***

— Мақтаняпти деманг-у, моҳир пазандаман. Тонг саҳарда туриш одатимга айланган. Ҳеч қачон келинларимнинг қилган ишларидан айб қидирмайман. Уларга ғамхўр қайнонаман. Ўзларидан кўпайишсин, улар келажагимиз давомчилари.

***— Қайнона-келин муносабатига қандай қарайсиз?***

— Уйда иккита келиним бор, бири-биридан яхши. Уларга буйруқ беришни ёмон кўраман. Доим ўзим ҳаракат қиламан. Агар баъзи бир қайноналарга ўхшаб, ўтирволиб уларга иш буюрсам, саҳнага ярамай қоламан. Уйда оилангиз тинч, хотиржам бўлса, ишингизда унум бўлади. Қарс икки қўлдан, дейишади. Келинларимни доим мақтаб гапираман. Улар ҳам менга жуда ғамхўр ва меҳрибон.

***— Оилангизда яхши бир дийдорлашув анъанаси бор экан...***

— Ҳар ойда бир маротаба оила аъзоларимиз, невараларимиз билан биронта кафеда йиғиламиз. Шу баҳона шодлигу ғамни бирга баҳам кўрамиз. Муаммолар бўлса, ечилади. Бундай анъанани уйда ўтказсак ҳам бўларди. Аммо келинлар ҳам яйраб ўтирсин, дея буни кафега кўчирдик. Ҳамма хурсанд. Ҳам дам оламиз, ҳам дийдорлашамиз.

***— Оилангиз ҳақида ҳам гапириб беринг?***

— Турмуш ўртоғим Мирфаёз Рустамов телевидениеда кўп йиллар режиссёрлик қилган. Ҳозирги кунда маҳалла оқсоқоли. Мен нимаики қўлга киритган бўлсам, аввалambор, у киши орқали эришдим. Тўртта фарзандимиз, ўн олти невара, икки эварамиз бор. Невараларим орасида Мукаррамахонда санъатга бўлган қизиқиш, интилиш кучли. Онамнинг номлари ўчмасин деб, уларнинг исмини неварамга қўйгандик. Келажакда у, албатта, актриса бўлади, деб ўйлайман.

***Хонбиби ҲИММАТ қизи суҳбатлашди***

KO'KLAM TUYG'ULARI




***Ўриклар оппоқ бўлиб гуллаган палла.*** *Кенг боғлар қўйнидаги киндик қоним тўкилган гўзал масканим, она қишлоғимни хаёлан кезаман. Тепадан қарасангиз, гўё оппоқ қорга бурканганадай кўринувчи бу кичик қишлоқ атрофи боғ-роғлар билан ўралган. Қуёш чарақлаган. Осмон шишадек тип-тиниқ. Ариқларда сувлар шилдираб оқмоқда. Кўча ва қирлар болалар билан тўла. Улар қадимий миллий ўйинларни ўйнашмоқда. Бутун борлиқ, бутун табиат уларнинг кулгиларига, хандаларига чўмилаётгандай. Майин шаббода юзларимни силаб-сийпалаб ўйнайди. Узоқлардан, ҳов анави тоғлар ортидан чўпонларнинг чақириқларию, най наволари оқиб келади. Капалагу асаларилар шохдан-шохга, гулдан-гулга шошиб-шошиб учади. Табиат уйғонган. Чор атроф нақадар гўзал. Ҳаммаёқда баҳор нафаси. Сумалак ҳиди қишлоқ кезади. Поклик, беғуборлик, софлик, орзу ва хаёлларнинг тозалиги, уларнинг чексизлиги, ички гўзалликка интилиш — буларнинг барчаси бу ерда муҳайё.*

*Одамларнинг руҳлари тетик ва бардам. Кайфиятлари чоғ. Бирбирларига яқинлик, меҳру оқибат, юртга садоқат, муҳаббат ҳисси уфуриб турибди. Уларнинг юз қарашларида ҳаётдан мамнунлик, шодлик ва хурсандчилик намоён. Бундай пайтлар ҳаёт ҳам, она қишлоғим ҳам кўзимга алланечук гўзал, тароватли туюлиб, қалбимда ажиб бир ҳис уйғотади. Ҳаётга муҳаббатим ортади. Бутун вужудим жунбушга келади. Туғилган қишлоғимга соғинч ҳиссини кўнглимга туяман, гўё қанот қоқиб ўша томонларга учишга чоғланаман. Ҳар баҳорда шуни қўмсайман. Хаёлларимни бўлиб, узоқ-узоқлардан куй-қўшиқ эшитилади:*

***Ҳар баҳорда шу бўлур такрор,***
***Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.***
***Қанча тиришсам ҳам у беор,***
***Еллар мени алдаб кетади...***

*Қишлоқ марказидаги симёғочга ўрнатилган радиокарнайдан қўшиқ таралаяпти:*

***Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,***
***Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.***
***Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар,***
***Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.***
***Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди...***

*Бу қўшиқ мени янада узоқ-узоқларга олиб учади. Ажиб ҳис-туйғуларга, ширин хаёлларга толдиради. Ўзимча ўйларга бериламан. Хаёлларимни турли хил саволлар чулғайди: У қандай ўлка-ки, тупроғида олтин гулласа? Ҳеч кўрганмисиз шундай ўлкани?!. У қандай ўлка экан-ки, қишларида баҳор шивирласа?!. У қандай ўлка-ки, сал кўрмай қолса, ҳатто қуёш ҳам соғинса?!.*

*Бундай жаннатмакон юрт битта. У ҳам бўлса, бизнинг гўзал ва тенги йўқ мустақил Ўзбекистонимиз. Шундай ўлкада яшаётганимдан фахр-ифтихор туяман. Кўнглим, кўксим тоғдек кўтарилади. Шундай ўлкада яшаётганингдан ҳар қанча фахрлансанг, ғурурлансанг арзийди. Шундай ўлкамиз борлигидан қувонаман. Тўйиб-тўйиб нафас оламан. Зеро, орият, ғурур, назарини паст тутмаслик ўзбек миллатининг азалий анъаналаридир. Улуғлар йўлидан бориш, оталар анъанасига садоқат, катталарга эҳтиром, ТАБАРРУК ЗАМИН БИЛАН ФАХРЛАНИШ миллатимизнинг асл қадриятларидир.*

***Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ***

# Хушсуратим, қалби офтобим!

***Уйғониш, яшариш, яшнатиш, гўзаллик фасли — баҳорнинг фазилатлари бисёр. Санаб адо этолмайсиз. Навбаҳорнинг энг олий зийнатларидан бири эса шу ойда биз — аёлларга аталган айёмнинг борлигидир.***

**8 март.** Шу куни оила аъзоларимизнинг меҳрга тўлиқ тилакларидан дилимиз осмони чароғон бўлиб кетса, касбдошларимизнинг самимий қутловларидан кўнглимиз тоғ каби кўтарилади. Ширин лутфи каломдан, очиқ-ёруғ чеҳралардан қалбларимиз яйрайди.

Байрам баҳона раҳбарият, барча эркаклар аёлларни иззатлаб, уларга ҳадялар улашади. Бу совғалар ҳурмат-эътибор рамзи бўлгани учун ҳам азиз, қимматлидир. Оқибат учун, эъзоз учун раҳмат! Зотан, аёлларга ҳар қанча ташаккур айтилса, шунча оз. Улар соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида эркаклар билан бир қаторда ишламоқдалар. Ўз қобилият ва имкониятларини алоқа соҳаси тараққиёти учун йўналтиряптилар. Онг, салоҳият, тафаккур борасида эркаклардан қолишмаётганлари қанчадан-қанча!

Республикамизда хотин-қизларнинг меҳнатлари муносиб тақдирланмоқда. Фарғона шаҳридаги 27-АТС катта электромонтёри Фируза Фахрутдинованинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари учун “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади. Яқинда эса муҳандис Лилия Чуйникова “Фарғона Телеком” филиалининг “Фахрий ёрлиғи” билан мукофотланди. Шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг бўлим бошлиқлари — Мақсуда Содиқова, Ҳалима Бекмирзаева, Салима Эгамбердиева, Галина Гончарова, етакчи муҳандислар — Фарида Рустамова, Нияра Сулаймонова, Муножот Аҳмедова каби алоқачилик касбини ардоқлаб, олқиш олаётган аёлларимиз сафи кундан-кунга ортиб боряпти.

Бу шукуҳли, серзавқ айёмда шундай шижоаткор, ғайратли аёлларимизни — алоқа фидойиларини чин юракдан муборакбод этаман. Ҳамиша бугунгидай хушхандон, хушкайфият, хушсурат бўл, қалби офтобим — АЁЛ!

***Турғуной ТЕШАБОЕВА,***
***Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси кадрлар бўлими бошлиғи***

## Табриклаймиз!

**“Фарғона Телеком” филиали жамоаси Яйпан шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Абдухалил ЯХШИЕВни туғилган куни билан самимий муборакбод этади. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва ишларида улкан зафарлар тилайди.**



МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — Ⓣ.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** *orif@infonet.uz.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

259-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 9948 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.
Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топшириш вақти — 20.00.